

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



А. ХОЛБЕКОВ, С. НАЗАРХОСИМОВ,
Б. БЕРДИЕВ, М. ЭРГАНШЕВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

МОНОГРАФИЯ

60,5(54)

4-16

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

А. ХОЛБЕКОВ, С. НАЗАРҚОСИМОВ,
Б. БЕРДИЕВ, М. ЭРГАШЕВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙИ
ҲАЁТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ
МОНОГРАФИЯ

Тошкент
“KALEON PRESS”
2021

УДК 60.5 (5Ў)

Ў-16

**Холбеков А.Ж., Назарқосимов С.И., Бердиев Б., Эргашева М.
Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт трансформацияси.** – Тошкент:
“KALEON PRESS”, 2021. – 252 б.

Мазкур монография мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг ўзгаришлари (трансформацияси) жараёниларини социологик ўрганишга багишланган. Унда жамият ижтимоий соҳасининг реал ҳолати ва динамикаси назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган, шунингдек Ўзбекистонда аҳолининг табақалашуви хусусиятлари, бу жараёнларни оптималлаштириш масалаларига эътибор қаратилган. Монографияда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида хотин-қизлар мавқеининг юксалиши тенденциялари таҳлилига кенг ўрин ажратилган.

Китоб олий таълим муассасаларининг социология, ижтимоий иш таълим йўналишлари талабалари, магистрлари, тадқиқотчилар, ёш олимлар, шунингдек жамият ижтимоий ҳаёти муаммолари билан кизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

**И. Саифназаров, фалсафа фанлари доктори, профессор
Тақризчилар:**

А. Умаров, социология фанлари доктори, профессор

Н. Алиқориев, иқтисод фанлари доктори, профессор

Н. Латипова, социология фанлари доктори, профессор

Ушбу монография Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Илмий-техник кенгашининг 11-сонли баённомаси (2021 йил 26 ноябрь) қарори асосида нашрга тавсия этилган.

ISBN-978-9943-7890-6-7

© “KALEON PRESS” , 2021

СҮЗБОШИ

XXI асрнинг учинчи ўн йиллигига келиб ижтимоий ҳаётнинг чукур трансформациялашуви фукаролар эҳтиёжларининг ўсиб бориши, турли ижтимоий институтлар фаолиятидаги туб ўзгаришлар билан ифодаланимоқда. Шу маънода ижтимоий соҳа тузилмавий жиҳатдан мураккаб сектор сифатида инсон омилини барқарор юзага чиқаришни талаб этмоқда. Бинобарин, мазкур соҳага оид концепциялар ва паралигмаларни таҳлил қилиш, унинг функционал омилларини таснифлаш, динамик ўзгаришларини социологик прогнозлашга бўлган зарурат долзарблашмоқда.

Жаҳонда ижтимоий соҳа модернизациясига кўмақлашувчи инновацион ёндашув ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Охирги пайтларда ижтимоий ҳаётга сунъий онг, роботлаштириш, компьютерлаштириш каби янгиликлар шиддат билан кириб келаётганинг айтиб ўтиш кифоя. Мазкур глобал ўзгаришлар жамият ижтимоий соҳасининг ҳозирги босқичида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонда шахс ҳукуклари ва сиёсий эркинликларини таъминлаш асосида ҳукукий давлат ва фукаролик жамияти барпо этиш вазифалари том маънода жамият ижтимоий ҳаёти модернизациясини талаб этади. Жамиятнинг ҳар томонлама ижтимоий-сиёсий ривожланиши, бир ҳолатдан бошқасига сифат жиҳатдан ўсиб ўтиши жараёнларини тадқик этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир.

Монографияда аввало жамият ижтимоий соҳасининг методологик муаммолари таҳлил қилинган. Табиийки, муаллифлар ижтимоий соҳа трансформациясининг бугунги кунда юз бераётган тенденцияларига эътибор қаратгандар. Тадқиқотнинг асосий мақсадларидан бири ижтимоий соҳа механизмини очиб беришдир. Хусусан, жамият ҳаётининг ижтимоий (социал) соҳаси тушунчалиги алоҳида аҳамият қаратилади. Бунда ушбу тушунчанинг кенг ва тор маънодаги таърифи билан бирга, жамият социал соҳаси ва социал инфраструктураси таркибий элементлари кўрсатиб берилади. Бунда таълим, соглиқни саклаш, маданият, жамоат транспорти, савдо, алоқа тизимлари, тураг жой-коммунал хўжалик, майший хизмат, ижтимоий

таъминот, туризм, дам олиш ва спорт каби ижтимоий инфратузилма элемеиглари назарда тутилади.

Монографияда янги Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар жараёнларига муҳим ўрин ажратилган. Бунда ахоли турмуш даражасини ошириш, айниқса шаҳар ва қишлоқ ҳаётининг уйгунлашуви ижтимоий динамиканинг муҳим кўрсаткичи бўлаётганлиги ўз исботини топган. Монографиянинг муҳим кирраларидан бири унда ижтимоий соҳа динамикасининг прогнозига алоҳида ўрин ажратилганидир. Бу ўринда социологик тадқиқотлар натижалари таҳлили асосида ижтимоий ҳаёт тенденцияларига оид инновацион таклифлар берилган.

Монографияда стратификацион жараёнлар жамият ижтимоий ҳаётида юз бераётган муҳим тизимли ўзгаришлар кўрсаткичи сифатида ўз таҳлилини топган.

Монографияда мамлакатимиз аҳолисининг ярмини ташкил қиласидан хотин-қизлар ижтимоий ҳаёт модернизациясида алоҳида ўрин ва мавқега эга воқелик сифатида қараб чиқилиган. Бугунги кунда хотин-қизлар ижтимоий фаоллигининг ошиши, уларнинг ижтимоий ва сиёсий ижтимоийлашуви, фаоллиги, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқенинг юксалиши мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилидир.

Мазкур монография Ўзбекистонда жамият ижтимоий ҳаёти трансформациясига оид дастлабки тадқиқотлардан бири бўлганлиги боис, ҳурматли китобхонлардан у ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети социология кафедрасига йўллашларини сўраймиз.

БИРИНЧИ БҮЛІМ

ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ: МОХИЯТ, РЕАЛЛИК ВА ДИНАМИКА

I.БОБ. ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ СОҲАСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

1.1. Жамият ижтимоий соҳасининг назарий ва концептуал асослари

Ижтимоий соҳанинг концептуал асослари энг аввало бу борада илгари сурىлган илмий гоялар, концепциялар ва парадигмаларни қамраб олади. Жамият, унинг ижтимоий соҳаси, динамикаси ҳақидаги фикрлар кўплаб назариётчи социологлар томонидан ривожлантирилган. Бунда карашлар одатда классик социологик назариялар – модернистик социологик назариялар – постмодернистик социологик назариялар кўрининшида бўлиб, улар даврий ривожланиш натижасида ўз моҳиятини ўзгартириб борган¹.

Социологик назарияларда жамият ижтимоий соҳасининг таснифланиши мураккаблашиб бораётган социомаданий динамик жамият ҳолатини қандай ифодалаб беришига ҳам боғлиkdir. И.Пригожин ва И.Стенгерс бу борада қўйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Инсоният жамияти, айниқса бугунги кунга келиб, бирмунча қисқа вақт масштабига эга бўла бормоқда. Динамик мураккабликнинг ўсиб бориши (тош асридан инсоният жамиятига кадар) билан биргалиқда вақт ўқи ва эволюцион ритмларнинг ўрни ортиб бормоқда”². Демак, маълум бир динамик мураккаблик ҳолатига эришган жамиятда мавжуд социал институтларнинг фаолияти натижасида юз берадиган воқеа ва ҳодисаларга илмий ёндашувлар янги парадигмаларни яратади.

Хозирги даврнинг машҳур социологларидан бири Р.Мертоннинг таъкидлашича, жамият қонунларига нисбатан ташкиллашган скептицизмнинг вужудга келиши, жамиятнинг ривожланиши чизиқли

¹Қарант: Ritzer G. Postmodern Social Theory. – McGraw-Hill Companies, 1997

²Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. – М.: Эдиторнал УРСС, 2001. – С. 265

ва равон бўлиб, кишиларнинг ҳатти – ҳаракатини олдиндан айтиш ҳолати узок давом этган тақдирда вужудга келмаган бўларди¹.

Жамиятнинг динамик ривожланиб бориши ҳолатини ўзида акс эттирувчи назарияларни беш авлодга ажратиш мумкин бўлиб, бу назарияларга беш турдаги социологик парадигмалар мос келади: *Биринчиси* – эволюцион – чизикли назария ва унга мос келувчи позитивистик парадигма; *иккинчиси* – социал ҳодисаларнинг эҳтимолийлигига асосланган назария ва унга мос келувчи интерпретатив парадигма; *учинчиси* – жамият ривожланишини ноаник флуктуациялар (П. Сорокин), кучайган дифференциация (Г. Парсонс) ва социал амбивалентлик каби жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган назариялар ва уларга мувофиқ келувчи – интеграл парадигма; *тўртинчиси* – ўзида индивидуал рефлексивлик ва институционаллик каби жиҳатларни мужассамлаштирган замонавий жамиятни таҳлил этувчи назария ва унга мувофиқ келувчи рефлексив парадигма².

Ҳозирги кунда жамиятнинг структураси ва унинг тараққиёти масаласини ёритишга қаратилган назарияларнинг бешинчи авлоди шаклланган бўлиб, уларнинг қуйидаги класификациясини келтириш мумкин: а) конфликтологик ёндашув; б) социал дифференциация ёндашуви; тармоқ назарияси (Р.Берт); с) жамиятнинг атомистик назарияси; д) символик интеракционизм; е) диалектик парадигма; ф) индивидуализм ва холизм.

Шунингдек, жамиятнинг тузилиши, унинг тараққиёти ва ривожланиши ҳақидаги ғоялар, назариялар ва концепциялар *формацион* ва *цивилизацион* ёндашувлар асосида ривожланганлигини кузатиш мумкин.

Формацион ёндашув асосий эътиборни жамиятнинг тарихий тараққиёти жараёнини бир қатор босқичлар билан белгилаган ҳолда уни маълум бир кетма – кетлик асосида ибтидоий, кулдордик, феодализм, капитализм каби босқичларга қаратади.

Цивилизацион ёндашув тарафдорлари эса жамият тараққиётини маълум бир метафора асосида изоҳлашга интилишган. Цивилизацион

¹ Мерiton Р. Наука и социальный порядок. – Личность. Культура. Общество. 2000. Т.II. Вып. 2. – С. 165-166

² Кравченко С.А. Развитие социологической теории в начале третьего тысячелетия: по материалам международных конгрессов и конференций / С.А. Кравченко // Гуманитарный ежегодник. №7 / Отв. ред. Ю.Г. Водков. – Ростов н/Д : Социально-гуманитарные знания, 2008. - С. 110-128

ёндашувга кўра, жамият тараққиёти вужудга келиш, ривожланиш ва таназзул каби босқичлардан иборат бўлади.

Жамиятнинг унинг ижтимоий соҳаси ривожи ҳақидаги ғоялар О.Конт номи билан боғлиқдир. Айнан О.Конт социология фанига асос солиш билан бирга социодинамика йўналишининг ҳам тамал тошини кўйган олимдир. Унинг изланишлари натижасида “статика” ва “динамика” каби категориялар фундаментал хусусият касб этди.

Социал статика асосий эътиборни бир томондан жамият структурасини бир бутун ҳолда анатомик таҳлил қилишга қаратса, иккинчи томондан жамият институтлари, қатламлари ва таркибий қисмларини вужудга келтирувчи элементларнинг ўзаро алоқадорлигига қаратади. Социал динамика эса жамиятнинг маълум бир эволюцион кетма – кетлик ва босқичлар асосида ўзгаришларида ўз ифодасини топади. Социал статика жамиятдаги тартибни ифодаласа, социал статика тартибидинамика ривожланишини англатади. Контнинг таъкидлашича, умумий маънода тараққиёт - бу тартибининг ривожланишидир.

Агарда ижтимоий ҳаётнинг тартиби ва тараққиёти унинг ижтимоий соҳасида айниқса яққол акс этишини эътиборга олсан, тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқсан ҳолда ижтимоий соҳа тушунчаси ва унинг концептуал асосларига батафсилроқ тўхталишга тўғри келади.

Аввало, ижтимоий соҳа тушунчасини таърифлашга доир бир қатор ёндашувлар мавжудлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Биринчи ёндашув ижтимоий соҳани йирик ижтимоий гурӯҳлар, яъни синфлар, миллатлар ва халкларнинг мажмуаси сифатида тушунади ва бу тасаввур жамият ҳаётининг моҳиятини оддийгина локал социал тузилмаларнинг мажмуаси сифатида тушунишдан фарқланади¹. Хусусан, М.В.Лашиннинг таъкидлашича, ижтимоий соҳа ўзида конкрет жамиятни ташкил этувчи барча ижтимоий гурӯҳлар орасидаги барча алоқадорликларни, ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини қамраб олади. Ижтимоий соҳани бу тарзда шарҳлаш ўз таркибига у ёки бу синфлар, социал қатламлар, интеллектуал гурӯҳлар,

¹Барулин В С Дialectika сфер общественной жизни. – М: Изд-во Моск. ун-та, 1982

миллат ва халкларни камраб олувчи жамиятнинг социал структураси тушунчасига мос келади.

Лекин бошқа жамиятшунос олим А.К.Уледовнинг таъкидлашича, ижтимоий фаолиятнинг майдони бўлиб бутун бир жамият, унинг барча соҳалари ҳисобланади¹.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жамият ҳаётининг ҳар бир соҳаси бир-биридан фарқли равишда шаклланган ҳолда жамият мавжудлигини таъминлаш мақсадида ўзига хос функцияларни бажаради. Хусусан, жамиятнинг социал структураси жамиятни факат ўзаро алокадорликка эга бўлган турли ижтимоий гурухларга ажратишни қайд этади. Шундай экан, у ёки бу инсонлар жамоаси ҳар қандай “майдон”да ва ҳар қандай соҳа доирасида ўз фаолиятини намоён эта олиши мумкин. Бирок, ҳар бир ҳолатда бу фаолиятнинг функцияси турлича намоён бўлади.

Иккинчи ёндашувни асосан иқтисодчи олимлар қарашларида кўрамиз. Бу каби мутахассислар ўз таҳлил жараёнида “ижтимоий соҳа” категориясидан фаол тарзда фойдаланган ҳолда, уни ишилаб чиқариши эмас, балки факат хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида кўрсатишади². Масалан, М.С.Касимова ижтимоий соҳа тушунчасига таъриф бернишда асосий таянч сифатида шахсий эҳтиёжлар категориясини олади. “Ижтимоий соҳа – деб ёзади олима – у ёки бу тарзда фуқаролар, ишчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга каратилган мақсад асосида ҳаракатга келтирилган халқ ҳўжалиги соҳаларининг мажмууси бўлиб, жамият томонидан ажратилган воситалардан ўзларининг эҳтиёжлари учун маълум бир миқдордаги даромадларни олишади”³. Фикримизча, ижтимоий соҳани бундай изохлаш унинг улкан социал диапазонини торайтириб қўяди.

Учинчи ёндашув тарафдорлари ижтимоий соҳани жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий соҳалари оралигидаги бир бўғин сифатида олиб карашади. Бирок, бу ҳолатда социумнинг функциялари сиёсий ва иқтисодий соҳаларнинг функциялари билан коришиб кетади. Масалан, Г.М.Кацнинг таъкидлашича, ижтимоий соҳа турли воқеа ва ҳодисалар доираси ҳисобланниб, бу доира бир гуруҳ кишиларнинг ҳаётнинг турли

¹Уледов А.К. Духовная жизнь общества. – М., 1980. – С. 52

²Руттайсер В.М. Социальная сфера: проблемы планирования. – М., 1989

³Касимова М.С. Новые подходы к исследованию социальной сферы // Вестник Москва ун-та Сер. 6 Экономика. - 1993. - № 4. - С. 51

кўринишилари – иқтисодиёт, сиёсат, оила, ахлок, маданият доирасидаги фаолияти, ўзаро алоқадорлиги ва кишиларнинг инкиrozни бошдан кечиришилари кабиларни қамраб олади¹. Бу ёндашувда кўриниб турибдикি, ижтимоий соҳа жамият ҳаётининг алоҳида соҳаси сифатида эмас, балки бошқа соҳаларнинг бир йигинидиси сифатида олиб қаралади.

Тўртинчи ёндашув вакиллари ижтимоий соҳани социал субъектлар ўзаро алоқадорлигининг мажмуаси сифатида олиб қараган ҳолда, уни социал тақрор ишлаб чиқариш жараёни билан бараварлаштирадилар. Хусусан, С.А.Шавельнинг фикрича, ижтимоий соҳа кундалик ҳаётни тақрор ишлаб чиқариш, инсоннинг шахс сифатида ўзини намоён этиши ва ривожланишининг социал фазосидир².

Кўриниб турибдикি, юқоридаги ёндашувларнинг барчасида бир ёклама қарашлар бўлиб, уларга синтетик ва универсал хулосалар етишмайди. Шу ўринда кенгроқ маънодаги методологик таянч ёндашувларга назар солиш ўринлидир. Академик Т.А.Заславская юқорида келтирилган ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, уларни икки йирик изоҳ кўриннишига олиб келади. Биринчи изоҳга кўра, ижтимоий соҳа социумнинг остки тизими (подсистема) бўлиб, у кишиларнинг маънавий ва интеллектуал ривожланиши, сифатли ҳаёт кечиришилари учун зарур бўлган тақрор ишлаб чиқаришни таъминлайди. Иккинчи изоҳга кўра, жамиятнинг социал структураси уни шакллантирувчи турли ҳил гурухлар, жамаолар ва қатламлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик тизимиdir³. Бу ерда Т.А.Заславская ижтимоий соҳани жамиятнинг бошқа таркибий қисмлари, яъни сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалар билан тенг ҳуқуқли сифатидаги жиҳатига эмас, балки “бу соҳаларнинг ўзига хос тарзда очиқлиги, бир - бирига ўтиб туриш жиҳати”га эътиборни қаратади. Бу фикрга асосланадиган бўлсак, ижтимоий соҳа бир бутун, мустақил соҳа сифатида жамиятнинг ост тизими (кичик тизими) сифатида бошқа соҳаларнинг социал функцияларини бажаришга хизмат қилади, холос. Кўринадики, масаланинг туб моҳияти масаласи очиқлигича қолади.

¹ Кац М.Г. Методологические проблемы изучения социальной сферы жизни общества: Автореф. дис. доктора филос. наук. – М., 1988. – 39 с.

² Шавель С.А. Социальная сфера общества и личность. – Минск: Наука и техника, 1988. – С. 8.

³ Заславская Т.А. Социальная трансформация российского общества: Деятельностно-структурная концепция. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Дело, 2003. С. 148.

Ягона ёндашувни конструкциялаш мақсадида бироз тарихга кайтиб, шуни таъкидлаш зарурки, аксарият файласуф олимлар ўз вақтида социал ҳаётнинг тузилиши муаммосини таҳлил килган ҳолда, социал борлиқнинг турли хил моделларини таклиф этганлар. Хусусан, XVII асрдан бошлаб табиий фанларнинг ривожланиши натижасида жамият тизимли тадқикот обьектига айланди. Масалан, немис файласуфи Гегелнинг фикрича, социал борлиқнинг умумий манзарасида барча асослар – маънавийлик ва моддийлик, динамиклик ва статиклик, обьективлик ва субъективлик ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Шу каби универсал ғояларга таянган ҳолда Огюст Конт янги шаклланган социология фанининг асосига борлиқнинг ўзига хос феномени бўлганжамиятни ташкиллаштирувчи кучга айланиши мумкин бўлган социал тизим ғоясини қўйди. Унинг фикрича, социал жараёнларни жамиятнинг алоҳида элементлари ва бир бутун ижтимоий жараёнлар билан алоқадорликсиз тадқик этиш бирон бир мазмунга эга эмас¹.

Жамиятнинг тизимлилиги, конкрет бир бутунлик сифатидаги мавжудлиги ва ривожи социум ҳисобланар экан ва бу асос реаллик ўз ички конунлари асосида ўзгариб борар экан, социал соҳа социал муносабатлар тизимини англатади. Шу маънода инсоният умумий тараққиётининг универсал қонуниятлари кишиларининг социал ҳаётига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бу социал организм барча таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги асосида мукаммалашуви қуйи босқичдан бирмунча юқори ва мураккаб босқичларга кўтарилишинибелгиловчи омилдир.

Жамият ҳаётига, унинг ижтимоий соҳасига бу каби ёндашувлар, айниқса социумни тизимли тадқик этишга уринишлар М. Вебер, Л. Визе, Э. Дюркгейм, К. Маркс, В. Парето, Г. Спенсер, социологик қарашларида ўз ифодасини топган бўлиб, улар бир бутунлик таркибидан маълум бир алоқадорликни, социалликни кўра билдилар. Уларнинг фикрига кўра, социал жараёнларда ўзига хос юқори тартиб, қонуният мавжуд бўлиб, бу тартибни социал жараёнларда иштирок этаётган бетакор индивидуалликларнинг тушунишига асосланибгина изоҳлаб бўлмайди.

¹ Конт О. Дух позитивной философии. Слово о положительном мышлении. Пер. с франц. Шапиро И.А.; Предисл. Ковалевского М.М./ Изд. 4-е. Серия "Из последней мировой философской мысли" М. Книжный дом "ЛИБРОКОМ" 2016. - 80 с.

Шундан келиб чиқиб, К.Маркс ва Ф.Энгельс инсоният тарихий тараққиётиниң үрганишда тамойилларини қўллашга харакат қилишган. Уларнинг таълимотига кўра, социумнинг социал организм ва мақсадли ижтиёй тизим сифатида вужудга келиши ва ривожланиши жараёни ташқарида эмас, балки унинг ўзида амалга ошади. Ҳар қандай ижтиёй тузумнинг асоси мазкур жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги, меҳнат таксимоти характеристи, моддий бойликларнинг таксимланиши ҳамда ишлаб чиқариш усулига боғлиқдир. Социал муносабатларнинг асосида синфлар ўртасидаги қарама - қаршиликлар ётади¹.

Марксизм синфиий назариясининг бир ёқламалигини кўрсатиб бера олган немис социологи М. Вебер фикрича, жамият ижтиёй соҳасининг ривожланишида фақатгина ҳусусий мулк кўринишида намоён бўлувчи иқтисодий омиллар асосий роль ўйнаб қолмасдан, балки сиёсий ва социал - психологик омиллар ҳамда социал стратификация мухим ўринни эгаллайди. Бу ёндашув тизимли ўз даврида стратификацияни кўпкіррали ва кўпвариантли тадқиқотлар йўналишига айлантиришда мухим аҳамият касб этди.

Француз социологи Э. Дюркгеймнинг жамият ҳакидаги қарашларининг асосини “социал бирдамлик” (solidarite) концепцияси ташкил этади. Унинг фикрича, социологиянинг асосий вазифаси социал интеграцияни вужудга келтирувчи социал ўзаро алоқадорлик механизmlарини үрганишдир. Бунда икки турдаги социал алоқадорлик устивор бўлиб, уларга “механик бирдамлик” ҳамда “органик бирдамлик”га эга бўлган жамиятлар мувофиқ келади.²

Инглиз социологи Г. Спенсер вакт интервалида жамият структуравий тузилиши жиҳатидан ривожланиб борар экан, ундаги социал ўзгаришлар функциялардаги ўзгаришлар билан боғликлика амалга ошади деб ҳисоблайди³.

Италиялик социолог В.Парето социумни доимо издан чиқиб турувчи ва ўзида барқарорликни тиклаб турувчи тизим сифатида олиб

¹ Маркс К. Экономические рукописи 1857–1861 гг. (Первоначальный вариант Капитала). Пер. с нем. Ч.1. Изд.3 – М.: ЛЕНАНД, 2015. – 592 с.

² Дюркгейм Э. Социология. Ее предмет, метод, предназначение. Серия Социо-Логос. - М.: Терра. 2008 – 400 с.

³ Спенсер Г. Основания социологии: Данные социологии. Индукция социологии. Пер. с англ. Серия. Из последней мировой социологии Изд.стереотип. – М.: Книжный дом ЛИБРОКОМ, 2016 – 440 с.

каар жамиятнинг бир – бирига ўзаро таъсир этиб турувчи таркибий кисмларининг ўзаро алокадорлигини мухим омил сифатида баҳолаган. Унинг фикрича, ижтимоий соҳанинг тузилиши иктиносидий соҳага қараганда мураккаб бўлиб, социал ҳаракатда бутун ижтимоий соҳани ҳаракатга келтириб турувчи хиссиётлар, ҳохиш-ирода ва гояларга эга бўлган одамлар иштирок этишади¹.

Демак, барқарорлик феномени жамиятни тизим сифатида тушунувчи социологик анъаналарни ривожлантиришга олиб келди. Шу тариқа, жамиятга нисбатан тизимли ёндашувлар социум ҳакидаги истиқболли моделларнинг ривожланишига турткি берди. Бу ўз навбатида жамиятнинг остки тизимлари, яъни соҳаларидағи ўзгаришларни ўрганиш, уларни бир-биридан ажратиш билан характерланади.

XX асрга келиб жамиятда юз берувчи мураккаб социал ҳодисаларни тушунтирувчи янги концепциялар, улар асосида эса фундаментал назариялар вужудга келди. Ҳусусан, жамият ҳакидаги умумий методологик концепциялинг яратилишига катта ҳисса қўшган олимлардан бири американский социолог Т.Парсонс ҳисобланади. Ўз олдига оламнинг социологик манзарасини яратиш мақсадини қўйган бу олим ҳар қандай ижтимоий тизимнинг структураси ва функциясини ифодаловчи жамият динамикасида социал субъектларнинг ўзаро алокадорлигини социалликнинг моҳияти сифатида олиб қарайди.

Т.Парсонс ўз тадқиқотларида тўрт функционал тизимни: а) мақсадга эришиш; в) мослашиш (адаптив); с) интегратив; д) тартибни саклашни социал институтларнинг мавжудлик шарти деб ҳисоблайди. Биринчи функция социумнинг мақсадли қўрсатмаларга эришиши билан боғлиқ бўлиб, унга жамиятнинг сиёсий ташкилотлари тизими мувофиқ келади. Иккинчи функция эса социумни атроф-муҳитга мослаштириш ҳисобланиб, бу иктиносидий тизимга мувофиқ келади. Учинчи функция ички тартиб ва бир бутунликни таъминлашга қаратилган бўлиб, маданий тизимга мос келади. Тўртинчи функция эса социумдаги нормаларни унинг аъзолари томонидан ўзлаштирилишини ифодалаб, у

¹ Парсто В. Компендиум по общей социологии - М.: ВШЭ, 2008. - 512 с.

жамиятнинг маънавий тизими орқали амалга оширилади¹. Кўриниб турибдики, Т.Парсонс жамиятнинг алоҳида ижтимоий соҳасини ажратиб кўрсатмайди, балки уни социумнинг барча қатламларидаги муносабатларнинг социаллик тўқимаси сифатида талқин этади.

Тадқиқот мавзуси доирасида юқоридаги экспурсдан келиб чиқиб, жамиятнинг ижтимоий ҳаётига структуравий “соҳа” асосида ёндашув муаммосига қайтамиз. Шуни қайд этиш жоизки, “соҳа” тушунчасининг ҳозирги вақтга қадар социологик моҳияти очиб берилмаган. Энциклопедия ва луғатларда юононча сфера – “шар” маъносига асосланган ҳолда бу тушунча фаолият доирасини, бирор бир нарсанинг тарқалиш чегараси, муҳит, шарт – шароит, ижтимоий муҳит ёки таъсир каби маъноларни англатади².

Жамиятни соҳавий ёндашув асосида таҳлил этиш унинг ҳаёти турли томонларининг ўзаро алоқадорлигини мужассамлаштирувчи ўзига хос структурасини очиб бериш ва шу асосда барча социал жараёнларни жамиятнинг бир бутун сифатида ривожланиши нуктаи назаридан таҳлил этиш имконини беради.

Аслида ижтимоий соҳани ажратиб кўрсатиш жамият ҳақидаги илмий билимлар эҳтиёжи билан bogлиқdir. Зоро, у реал вокеликдаги энг муҳим муносабатлар ва алоқадорликларни ўзида мужассамлаштиради. Бошқача айтганда, бу категория ортида ижтимоий тажрибанинг ривожланиши жараёни ётади.

МДҲ мамлакатларида ижтимоий соҳани назарий таҳлил этишга доир дастлабки уринишлар ўтган асрнинг 80-йиллари бошида В.С.Барулин, М.В.Лашин каби олимларнинг илмий ишларида кўринади. Бу соҳадаги кейинги ишланмалар С.И.Бразилов, Н.И.Дряхлов, В.Н.Иванов, Г.М.Кац, Б.В.Князев, В.Н.Ковалев, В.Я.Нечеев, Г.И.Осадчий, В.З.Роговин, С.А.Шавель ва бошқа бир қатор олимларнинг номлари билан bogлиқdir.

“Ижтимоий соҳа” категориясига комплекс изоҳни Ю.Е.Волков берган бўлиб, унга кўра ижтимоий соҳа “жамиятнинг аъзоси хисобланган ҳар бир шахснинг яшаш тарзи ва шарт-шароитини қамраб

¹Система координат действий и общая теория систем действия. Функциональная теория изменения. Понятие общества// Американская социологическая мысль. — М.: Изд. Международного ун-та бизнеса и управления, 1996. — С.462-525.

²Большой энциклопедический словарь/ Гл.ред. А.М.Прохоров. 2-е изд. — М.: Большая российская энциклопедия, 2001. — С.1168.

олувчи йирик социаталь тизим хисобланиб, бу тизимнинг вужудга келишидаги асосий омил социал муносабатлардир¹. Муаллифнинг таъкидлашича, бу соҳада кишиларнинг эҳтиёж ва қизиқишилари бир бутун социумнинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мувоғик келади. Бундай таъриф нафакат назарий, балки амалий аҳамиятта эга. О.Грачевнинг фикрича, “ижтимоий соҳа” категорияси аҳолига бевосита хизмат кўрсатиш соҳалари – таълим, соғлиқни саклаш, ижтимоий ҳимоя, маданият, жисмоний маданият, спорт ва бошқа шу кабиларнинг мажмууси сифатида изоҳланади². Бунда ижтимоий соҳа инфраструктураси яъни ижтимоий инфраструктура обьектлари томонидан амалга ошириладиган барча хизматлар ва ишиларнинг мажмууси синфатида изоҳланади.

Кўрганимиздек, юқорида келтирилган ёндашувларга ижтимоий соҳанинг у ёки бу жиҳатларини мутлақлаштириш ёки аксинча, эътиборга олмаслик хосдир. С.В.Бойко, К.М.Оганян ва Б.И. Каверинлар бундай бирёкламаликни бартараф этиш истагидан келиб чиқиб “ижтимоий соҳа” категориясига таъриф беришда интегратив ёндашувни таклиф этишади ҳамда унинг таркибига социал структура, инфраструктура, бошқарув ва шахснинг ўзини-ўзи намоён этиши каби таркибий қисмларни киритишни таклиф этишадики, бунда “ижтимоий соҳа ўзини ижтимоий инфраструктурада... шунингдек, индивидларнинг фаолияти, ўзаро мулоқоти, ўзаро алоқадорлиги ва кўпилаб социал алоқалари реал тарзда амалга ошадиган социал фазода намоён этади”³.

Бизнингча, ижтимоий соҳа ўзида мураккаб тузилмани намоён этиб, у ўзига социал структура, социал қизиқишилар, қадриятлар ва нормалар, бу инфраструктура элементларини боғловчи муносабатларни, шунингдек социал инфраструктура, ижтимоий бошқарув институтлари ва кишиларнинг яшаш тарзини камраб олади. Бундай ёндашув ижтимоий соҳанинг аввало иқтисодий соҳа билан, кейинги ўринларда эса сиёсий ва маънавий соҳалар билан ўзаро боғликлигини ифодалайди, чунки бу соҳаларнинг ривожи инсон

¹ Волков Ю.Е. Социальные отношения и социальная сфера // Социологические исследования. – 2003. – №4. – С. 34-42

² Грачева О. Место социальной поддержки населения в региональной социальной политике: методологический аспект // Человек и труд – 2008. – №1. – С. 9-12

³ Бойко С.В., Оганян К.М., Каверин Б.И. и др. Социально-антропологический анализ качества жизни. – Чиреповец: ИНЖЭКОН-Чиреповец, 2007. - С.8

имкониятларининг ошишига олиб келади. Ўз навбатида бу жараён инсон томонидан иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларнинг ривожлантерилишига олиб келади. Шунингдек, бундай комплекс ёндашувда ижтимоий соҳа сиёсий, иқтисодий ва маънавий муносабатларга таъсир кўрсатувчи фаол соҳа сифатида намоён бўлади. Бунда жамиятнинг барча ост тизимлари ижтимоий соҳа шаклланishi ва мажбурилиги учун асос бўлиб хизмат килади.

Ижтимоий соҳани таҳлил қилишда “ижтимоий соҳа сифати” тушунчасига ҳам алоҳида эътибор каратиш мақсадга мувофиқдир. Айнан, ижтимоий соҳа сифати унинг стратегик тарақкиёт кўрсатгичи ҳисобланади. Бизга маълумки, ижтимоий соҳа сифати унда амал қилувчи функцияларга қараб белгиланади. Бунда учта асосий сифатий даражалар муҳим аҳамият касб этади: 1) куйи даража, устунлик қилувчи функция – ҳаёт учун кураш; 2) ўрта даража, бунда устунлик қилувчи функция – адаптация; 3) юкори даража, устунлик қилувчи функция – ўзини-ўзи намоён килиш. Шунингдек, асосий бўлмаган ўтиш функциялари, яъни ижтимоий соҳанинг оралиқ сифатий даражалари ҳам мавжуд: ҳаёт учун кураш даражасидан адаптацияга ўтиш ва адаптациядан ривожланишга ўтиш ва б.¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ижтимоий соҳа жамиятнинг бошқа соҳалари, хусусан ишлаб чиқариш соҳасидан фарқи инсоннинг восита эмас, балки мақсад мақомида бўлишидир. Айнан инсоннинг мақсад сифатидаги мақоми ижтимоий соҳани бошқа соҳалардан – сиёсий, ҳукуқий, диний, ахлоқийсоҳалардан ажратиб туради. Масалан, ахлоқ соҳасини олайлик. Гарчи, девиант хулқ-атвор эгаси бўлган банги ахлоқ соҳасида қораланишга лойик кўрилсада, ижтимоий соҳада у психотерапевтик, психокоррекцион ёрдамга муҳтоҷ субъект деб каралади. Иккинчи фарқли жиҳат шуки, ижтимоий соҳада инсон ўз эҳтиёжлари ва мойилликлари мажмуи билан бирга яхлит шахс сифатида қабул қилинади. Учинчи жиҳат шуки, ижтимоий соҳа инсон индивидига уни хурмат ва эҳтиром қилиш қаратилганлиги билан характерланади. “Ҳамма нарса ишлаб чиқариш учун” – бу ишлаб чиқариш соҳасини ифодаласа, “Ҳамма нарса инсон учун” – ижтимоий соҳани ўзида акс эттиради.

¹Лаврентьева И. П. Социальная политика и управление в социальной сфере: учебно-справочник. – Ульяновск: УрГТУ, 2009. - С 5.

XXI асрнинг бошларида кўплаб социологик назариялар глобаллашув таъсирида янги мазмунга эга бўла бошлади. Шиддат билан ривожланаётган жараёнлар жамият ҳақидаги классик хисобланган назарияларга ҳам муҳим ўзгартиришлар ва тўлидиришлар киритишни заруриятта айлантирди. Умуман олганда, глобаллашув ва информацион технологиялар инқилоби каби универсал жараёнларни таҳлил қилиш ва уларнинг таъсир доирасини англаб етиш жамият ҳақидаги социологик назарияларнинг методологик асосларини такрор кўриб чиқишни талаб этмоқда. Замонавий социологияда бу классик социологик назарияларни қайтадан кўриб чиқиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу ўринда аввало шуни таъкидлаш керакки, замонавий социологик назариялар доирасида методологик тадқиқотлар фундаментал характерга эга булиб, умумий бир жиҳат, яъни муаммоли вазиятни англаш ва келажақда юз бериши мумкин бўлган воқеа ва ходисаларни ташхислаш билан белгиланади. Айнан мана шу жиҳат *универсаллик тамоили* деб аталади. Универсализм ўз вақтида социологик тадқиқотлар асоси сифатида бутун классик ва постклассик босқичлар учун хос эди. Классик ва постклассик социология учун асосий таҳлил обьекти ривожланишининг у ёки бу босқичида турган алоҳида ва чекланган жамият хисобланар эди. Кенг миқёсли жараёнларни бошдан кечираётган жамиядаги барча жараёнлар бир хил фундаментал хусусиятларга эга бўлиши лозим эди. Бунда социал-тарихий жараёнларни универал тушуниш андозаси сифатида гарб жамияти ва “шимолий атлантика макони”да юз берадиган ўзгаришлар олинар эди. Қисқача қилиб айтганда, универсализм асосан гарб жамиятлари ва давлатларининг вужудга келиши ва ривожланиши жараённинг концептуализациясига асосланар эди (социал эволюционизм ва кейинчалик социал модернизм назарияси гоялари).

XXI аср бошига келиб вазият тубдан ўзгарди. Бугунги кунда социологиядаги илмий тасаввурлар ва тадқиқотлар глобаллашув гояси билан боғлиқдир. “Глобал социология – деб ёзади Тернборн, – универсализмдан шу асосга кўра фарқланадики, у барча учун умумий деб ҳисобланадиган эҳтимолли гояга эмас, балки, глобал вариативлик,

алокадорлик ва интеркоммуникацияга асосланади¹. Дарҳақиқат, глобал социологияда дунё инсониятнинг шунчаки эволюцияси ва модернизацияси эмас, балки ўзаро алокадорликка эга турли хил социал ва маданий тизимларнинг структуравий мажмуаси сифатида тушунилади.

Глобал социология шу маънода жамиятнинг миллийлиги ва “шимилий атлантика макони” билангина чекланмай, улкан глобал социал макон тенденциясига эътиборни қаратади. Айтиш мумкинки, замонавий социологияда универсализм принципидан глобализм принципи томон методологик силжиш юз бермокда.


Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, XXI аср социология фани диккат марказида бўлиб келаётган жамият, унинг структураси, айниксанжтимоий соҳа ва унинг ривожланиш механизmlарини ўрганиш янги концепциялар, ёндашувлар ва назариялар асосида истиқболга эришади. Бугунги дунёнинг ўзгарувчанлиги унда кечаётган социал муносабат ва жараёнларнинг глобализация ҳодисаси босими остида ўзгариши, жамиятларнинг ўз локаллигини йўқотаётганлиги ва энг асосийси – биз яшаётган жамиятнинг трансформациялашви билан боғлиқдир.

Хуллас, жамиятнинг ижтимоий соҳасига оид тадқиқотлар ўз моҳиятига кўрабевосита жамиятни тадқиқ этиш билан боғлиқдир. Зоро, ижтимоий соҳасоциумнинг ядрои ва ўзаги ҳисобланади. Айнан мана шу ядро жамиятнинг мавжудлигини, яаш давомийлигини, ўзгарувчанлиги ва тараққиётини белгилаб беради.

Юқорида биз ижтимоий соҳа тушунчаси хақида фикр юритдик, улар асосида ижтимоий соҳани тадқиқот обьект сифатида олиб қараб, қўйидаги мулоҳазаларни келтирамиз:

Биринчидан, “ижтимоий соҳа”ни категория сифатида киритиш жамиятни бир бутунлик сифатида олиб қарав нуқтаи назарининг ривожланишида мухим аҳамият касб этади. Бунда ижтимоий соҳа ўзаро таъсиrlашаётган турли соҳаларнинг функциялари учун ўзаро тўлдирувчанлик функциясини ҳам бажариши мухимдир. Масалан, жамиятнинг моддий-ишлиб чиқариш соҳаси аҳолининг моддий бойликларни яратиш, тақсимлаш ва истеъмол килиш каби ижтимоий

¹ Therborn G. At the birth of second century sociology: times of revolution and the model of knowledge // Brit. J. of Sociology. 2000. Vol. 51. N 3. P. 50



заруриятидан келиб чиқади ва мана шу мақсадларга мос бўлган ижтимоий инфраструктурани шакллантиради. Ижтимоий соҳа ўзининг хусусий инфраструктурасига (уй-жой, соғлиқни саклаш, таълим муассасалари ва б.) асосланган ҳолда меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаради, у ёки бу социал субъектларнинг истеъмолчилик фаолиятини тартибга солади, уларнинг ижодий потенциалини амалга оширишлари, шахс сифатида намоён этишлари учун шарт-шароит яратади. Аналогик тарзда ижтимоий соҳани жамиятнинг бошқа соҳалари, жумладан, сиёсий, маънавий-маданий соҳалар билан функционал ўзаро алоқадорлигида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчидан, ижтимоий соҳани жамият ҳаётининг бошқа соҳалари билан биргаликда олиб қараш эвристик самарадорликка эга бўлиб, бундай ёндашпув асосида жамиятни тушуниш инсон, оила, гурухлар ва аҳолининг турли катламлари томонидан такрор ишлаб чиқариш жараёшини ва унинг натижаларини бир бутун ҳолда баҳолашга, турли социал институтлар фаолиятининг самарадорлигини таҳдил қилишга ёрдам беради. Нихоят, ижтимоий соҳани факат конкрет ўрганиш контекстида эмас, балки бошқа соҳалар билан ўзаро алоқадорлигида ҳам таҳдил этишзарур. Ижтимоий соҳани кенг ижтимоий мазмунда тадқиқ этиш жамият ҳаётининг ижтимоий соҳасини ўрганиш жараёшини деталлаштиришга, ижтимоий соҳанинг ҳар бир элементининг аҳамиятини англашга, кишиларнинг ижтимоий ҳаётининг ички меҳанизмларини очишга ёрдам беради.

Учинчидан, адабиётларда “ижтимоий соҳа”нинг синонимлари сифатида “жамиятнинг ижтимоий ҳаёти”, “социал фазо”, “социал майдон” каби тушунчалар кўлланилади. Бошқа категориялар сингари “ижтимоий соҳа” ҳам кўп маъноли жиҳатга згадир. Бирок, бу тушунчанини моҳиятини ташкил этувчи барқарор ядро мавжуд бўлиб, бу унинг категориал мазмунини ифодалайди. Шу сабабли ижтимоий соҳанинг структурасини, мазмун ва моҳиятини ифодалашда тўпланган эмпирик ва назарий социологик материалларни хисобга олиш қатъий зарурият ҳисобланади.

Тўртинчидан, ишлаб чиқариш жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ўз ичига олади ва ижтимоий соҳа тузилмалари, ижтимоий институтлар, ижтимоий норма ва қадриятларнинг конкрет ижтимоий-

иктисодий тизим доирасида узлуксиз амал килишида намоён бўлади. Мазкур таъриф балки ижтимоий соҳани ижтимоий жабхалар мажмуи сифатидагина эмас, ижтимоий макон доирасида ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва алокалар тизими сифатида кўришга ҳам имкон беради. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқотда иктиносид ва ижтимоий соҳа ривожининг ўзаро алокадорлигига бирмунча эътибор қаратиладики, бу инсонларнинг икки хил характердаги – бир вақтнинг ўзида ҳам иктиносидий муносабатлар, ҳам ижтимоий муносабатлар субъекти сифатидаги хусусияти билан асосланади. Зеро, иктиносид ва ижтимоий соҳанинг ички бирлигини аниклаш мазкур соҳалардаги муаммоларни ҳал этишда мухим аҳамият касб этади. Чунки бундай ёндашув замонавий ижтимоий соҳа ривожининг бир томондан шарти хисобланса, бошқа томондан иктиносидий тараққиёт натижаси ва иктиносидий самараорлик ва ижтимоий адолатнинг оптималь мутаносиблигига эришини заруратини назарда тутади.

Бешинчидан, замонавий жамиятда инсон капиталининг жамият ривожланишидаги ролининг ортиб бориши ва иктиносидий тараққиётнинг асосий мақсади бутун аҳоли ҳаёти даражасини ва сифатини оширишга қаратилишида яққол намоён бўлади. Чунки олдин иктиносидий тараққиётда моддий ишлаб чиқаришга алоҳида ургу берилган бўлса, ҳозирда инсонга муносиб ҳаст тарзини таъминлайдиган шароитлар яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айнан шу сабабли инсон капитали сифагига таъсири ва иктиносидий жараёнларнинг ижтимоий барқарорлигини таъминловчи ижтимоий соҳа роли ва аҳамиятига эътибор ортмоқда. Шу нуткаиназардан караганда, инсон капиталини қайта ишлаб чиқиш - иктиносидий ва ижтимоий жараёнлар бирлиги, иктиносид ва ижтимоий соҳа тараққиёти натижаси бўлиб қолмоқда. Бироқ, бугунги кунда ижтимоий соҳадаги баъзи институционал чекловлар ҳам кузатилмоқда. Бундай ҳолат анъанавий тафаккур тарзи, амалга оширилаётган мақсадлар, хукуклар ва кафолатлар ўртасидаги номутаносиблик, расмий ва иорасмий норма ва қондаларнинг ўзаро қарама-каршилиги сабабли юзга келмоқда. Айнан шу муаммоли масалаларни ҳал этиш мақсадида мазкур тадқиқот ишида бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий, ҳам иктиносидий мувозанатга эришиш, жамиятда узоқ муддатли ижтимоий барқарорликни карор топтириш ва аҳолининг

ижтимоий ҳимояга мұхтож қатлами манфаатларини ҳимоялашга доир фикр-мұлоқазаларни ишлаб чиқиши алоқида зәтибор қаратамиз.

Олтингидан, буғунғи күн талабларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий соғаны бошқаришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиши, бошқарув органлари ва хұжалик субъектларининг зәтиборини ахолининг турмуш даражасини ва сифатини оширишга жаңб қилиш мұхим масалалардан ҳисобланади. Шунинг билан бир қаторда, буғунғи кунда ахоли турмуш сифатини оширувчи интеграциялашган инновацион моделини ишлаб чиқиши, уннинг ижтимоий соға ва сифатли ҳаётнинг таркибий қисмими ташкил қыладиган функционал комплекслар, уларнинг үзаро алоқадорлыгини шакллантиришга асосланадиган механизмини яратиши, бунда алоқида функционал комплекслар элементлари қарасатини ва дикқатини ижтимоий түзілмалар ривожига қаратиш ҳам долзарб мұаммолар сирасига киради.

Еттингидан, ижтимоий соға давлатнинг ижтимоий сиёсати асосида ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам ижтимоий сиёсат мөхиятап субсидар масъулият тамойиллининг амалга оширилиши, янын ижтимоий давлатнинг сиёсий имкониятлари индивиднинг үзи ва оиласи олдидағи масъулиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунингдек, ижтимоий давлат моддий бойликларнинг тенг тақсимланишига эришишда мұхим субъект бўлиб қолаверади. Бундай ёндашув давлат ресурслари ҳисобига ахолининг турмушини яхшилаш даражасини қўллаб-қувватлашга асосланади. Бироқ, биз ёлгиз бундай ёндашувларнинг ҳеч бири мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётини мустаҳкамлаш ва самарали ислоҳотларни амалга оширишга имкон беради деб ҳисбламаймиз. Аввало, баркарор иктиносиди тараккиёт оммавий ўрта синфнинг самарали фаолияти асосида амалга оширилади. Шу билан бирга, ҳозирги жағон иктиносиди инқирози даврида ахолининг даромадини ошириш, янги иш жойларини яратиш, мустакил тадбиркорлик ва фукароларнинг мөхнат фаолиятини яхшилаш ва фаоллигини ошириш, ойлик маошни қайта тақсимлаш ва уни назорат килиб бориш, ижтимоий ёрдам, нафақа таъминоти, соглиқни саклаш, таълим соҳаларини ислоҳ қилиш мұаммоли масалалардан бўлиб қолаверади.

Саккизинчидан, ижтимоий соҳада давлат, бизнес ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ижтимоий ҳаражатларни амалга оширишда масъулият таксимланиши механизми орқали институционал ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш мазкур соҳадаги аксарият муаммоли масалаларни ҳал килиш имконини беради. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқотда ижтимоий соҳанинг институционал ўзгаришлари ижтимоий масъулият тизими орқали таҳлил этилган, бу ўз навбатида ҳукумат, бизнес ва ижтимоий институтларнинг мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги ўри, ҳамкорлик усусларини аниқлашга имкон беради.

Ижтимоий соҳани тадқиқотимизнинг *предмети* сифатида қараш масаласига келсак, аввало у жамиятдаги социал муносабатлар билан белгиланиб, унинг хилма-хиллиги унинг предметининг мураккаблашувига олиб келишини айтиб ўтиш зарур. Ижтимоий соҳанинг предмети кўйидаги бир қатор социал жараёнлар билан белгиланади:

- социал такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган кишилар ўртасидаги социал муносабатлар мураккаб жараён хисобланиб, кишилар бир-биридан нафакат жамиятда тутган мавқеи, иктисодий ҳолати ёки даромад манбалари билан фарқланади, балки шахс сифатидаги ривожланиш даражаси, истеъмол килиш структураси, ижтимоий онги, яшаш тарзи билан ҳам фарқланадилар;

- жамиятдаги тақсимловчи муносабатлар ва таксимлаш жараёнлари, кишиларнинг истеъмолга каратилган фаолияти, субъектларнинг социал такрор ишлаб чиқариш жараёни натижаларининг самарадорлиги, ижтимоий соҳанинг ҳолати ва динамикаси, аҳолининг социал хавфсизлиги ва ҳимояланганлиги даражаси уларнинг ривожланишининг интеграл кўрсаткичи эканлиги билан характерланади;

- ижтимоий бошқарувнинг ўзига хос ва умумий хусусиятлари, ижтимоий соҳа ривожланишининг қонуниятлари, социал реалликда қайд этилаётган аник социал муаммолар юз бериши кузатилаёттан ҳодиса ва жараёнларни изоҳлаш имконини бериши, жамиятдаги турли ижтимоий групкаларнинг кизикишлари, интилишлари, кишилар томонидан ўз яшаш тарзига таъсир кўрсатаётган омиллар ва шарт-

шароитларни, шунингдек ўз шахсий ривожланиш истиқболлари ва имкониятларини англаш ва баҳолаш билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Бугунги кунда социологиянинг ижтимоий соҳага оид тармок йўналишларининг предметини аниқлашда тегишли йўналиш хусусиятларини ишобатга олиш талаб этилади. Булар жумласига меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият ва спорт социологияларини киритиш мумкин. Масалан, соғлиқни сақлаш социологияси тиббиёт ташкилотлари фаолиятидаги муаммолар, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги социал муносабатларни ўрганиди. Худди шу сингари турмуш социологияси ҳам кишиларнинг турмуш соҳасидаги фаолияти, ҳатти-харакатлари ва улар орасида юз берадиган социал муносабатларни ўрганиди. Кўриб турганимиздек, бу йўналишларнинг ҳар бири субъектларнинг социал такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги маълум бир жиҳатини ўрганишга эътиборни қаратади. Социал субъектларнинг бир бутун ҳаётий фаолиятини ўрганиши эса айнан ижтимоий соҳанинг предмет майдонини ташкил этади.

Фикримизча, ижтимоий соҳа предметини мутлоқ аниқликда белгилаш ва унинг бошқа соҳалар билан алоқа чегараларини қатъий таъминлашнинг нафақат имкони йўқ, балки бу илмий ҳақиқатга, шунингдек социал реаликда юз берадиган воқса ва ҳодисалар моҳиятига ҳам мос келмайди. Назарий жиҳатдан ижтимоий соҳа предмети жамиятдаги мавжуд социал институтлар ва уларнинг ўзаро алоқадорилиги, социал ўзгаришлар ва динамик жараёнларни бир бутун ўрганишга қаратилгандир. Амалий жиҳатдан қараганда эса ижтимоий соҳанинг предмети ижтимоий соҳа структурасидаги таркибий қисмлар ва элементларни ўзаро алоқадорликда баҳолашни талаб этади. Масалан, аҳолини социал ҳимоя қилиш социал институт сифатида жамиятдаги социал ўзгаришларга таъсир кўрсатади. Бу социал институт жамиятнинг ижтимоий соҳасини модернизациялаш жараённида социал хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатади, ижтимоий соҳанинг предмети бир томондан унинг ўёки бу аспектини ташкил этса, иккинчи томондан социалликнинг соҳа сифатида вужудга келиши, ривожланиши,

жамиятнинг бошка соҳалари, яъни иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалари билан ўзаро алокадорлигини ташкил этади¹.

Ҳозирги давр ижтимоий соҳа муаммоларини ўрганишдаги асосий заиф томон шундаки, асосий тушунчалар, яъни “ижтимоий соҳа”, “ижтимоий инфраструктура”, “социомаданий соҳа” атамаларини аниқлашда ва қўллашда чалкашликлар мавжуд. Аслида ижтимоий соҳа деганда инсонни яхлит ишлаб чиқариш соҳаси тушунилади. Унинг асосий элементлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: ижтимоий-мехнат соҳаси, аҳолининг бандлитини таъминлаш соҳаси, таълим соҳаси, соғлиқни саклаш соҳаси, ижтимоий-маший соҳа, ижтимоий ва пенсия сугуртаси (таъминоти) соҳаси, аҳолини ижтимоий химоя килиш соҳаси, ижтимоий-маданий соҳа, ёшлар билан ишлаш соҳаси, аҳолининг миграцияси соҳаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Ижтимоий соҳанинг асосий функцияси шу маънода инсонни ишлаб чиқариш функцияси ҳисобланади.

Ижтимоий соҳа учун муайян функционал йўналганлик хос бўлишини ҳам таъкидлаш ўринилдири. Бу куйи ижтимоий эҳтиёжларни қондириш юқори даражадаги эҳтиёжларни қондириш томон йўналганликда намоён бўлади. Бундай йўналганлик муайян жамиятда устиворлик қилувчи, яъни доминант функция бўйича унинг характеристини баҳолаш мумкин. Ривожланаётган мамлакатларда оддий ишлаб чиқариш функцияси устунлик қиласи, ижтимоий ўтиш даврида бўлган мамлакатларда – адаптацион, ривожланган мамлакатларда эса ривожлантирувчи функция устувор аҳамият касб этади.

1.2. Ижтимоий соҳа трансформациясининг замонавий тенденциялари

Ҳозирги даврда ижтимоий соҳани ривожлантириш фан ва техника соҳасидаги ютуклар, замонавий технологияларни жорий этиш билан характерланмоқда. Жумладан, “бизим капитали” тамойили асосида олимлар миллий иқтисодиётнинг ривожланиши кўп жиҳатдан инсоннинг интеллектуал капитали билан чамбарчас боғлик бўлиб, бу борада таълим, соғлиқни саклаш, фан, экология ва даромадларнинг

¹Албегова И. Ф., Албегов Ф. Г. Социология социальной сферы как инновационное направление современного социологического знания: состояние и проблемы развязания //Социальные и гуманитарные знания. - 2016. Том 2. - № 2. - С. 117-121.

таксимланиши каби омишлар мұхым роль үйнайды деб ҳисобладилар. Табиийки, мазкур соқалар фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлашга қаратылған чора-тадбирлар алоқида ақамият касб этади. Шунинг учун ҳам ўз пайтида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Энг күп талаб қилинадиган ва энг күп ўзини оқладыган сармоя – бу инсон капиталига йўналтирилган сармоядир”¹ деб таъкидлаган эди.

Олиб борган изланишлари асосида таникли иқтисодчи олим Э. Лукас инсон капитали иқтисодий ўсишнинг “мотор”и деган холосага келади². БМТ томонидан ишлаб чиқылған “Мингийллик ривожланиш мақсадлари”да ҳам тиббий хизмат ҳамда таълим тизимининг ривожланишига алоқида эътибор қаратылған. Хусусан, 2015 йил сентябрь ойида БМТ Ассемблейсининг 70-сессиясида Ўзбекистон томонидан тақдим этилған маърузада инсон тараққиётининг ривожлантиришга доир мақсадлар күрсатыб ўтилған. Унга кўра, “Ўзбекистон учун мақсад 2030 йилга бориб ахоли даромади жаҳондаги ўртача даромаддан юкори бўлган давлатлар қаторига киришдир. Асосий эътибср қишлоқ ахолиси яшаш шароитини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқ ўргасидаги фарқни камайтиришга қаратилали”. Албатта, инсон капиталига яратылган шароитлар натижасида инсон тараққиётининг ривожлантирилиши долзарблик касб этади.

UNCTAD (БМТ Савдо ва Ривожланиш Конференцияси) маълумотларига кўра, 2030 йилгача БМТнинг Барқарор Ривожланиш мақсадларига эришишлари учун ривожланаётган мамлакатлар йилига 3,3 – 4,5 трлн. АҚШ доллари миқдорида (ижтимоий инфратузилма билан бирга таълим ва соглиқни саклаш) инфратузилмага инвестициялар жалб этиш зарур³. Дарҳақиқат, ҳозирги даврда ижтимоий соҳани ривожлантириш омиллари қаторида таълим, соглиқни саклаш ва илмий тадқиқотлар учун давлат томонидан йўналтирилаётган маблағлар миқдори мұхым ақамиятга эга.

¹ Каримов И.Л. Ўзга асрлар Шарқ алломатлари ва мутафаккirlарининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва ахамияти. 2014 йил 14-15 май кунларидағи ҳалқаро конференциянинг очилишидаги маросимидаги путьк. <http://press-service.uz>

² Lucas R. E. Jr. On the mechanics of economic development//Journal of Monetary Economics, Vol. 22, 3-42, 1988.

³ The World Investment Report 2016: Investor nationality: Policy challenges. United Nations Conference on Trade and Development

Мамлакатимизда истиқоллиниг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий соҳани замон талаблари асосида ислоҳ этиш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўтган давр давомида фан, таълим, маданият ва спорт, мусика ва санъат йўналишларида аник йўналтирилган стратегия ҳётга татбик этилди. Пировардида соҳа тубдан янгилиниб, ўтмишдан колган мағкуравий карашлар ва саркитлардан тӯла холос этилди, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берувчи мустаҳкам ташкилий-хукукий, моддий-техник базасига эга бўлган янги замонавий таълим муассасалари, спорт мажмуалари, маданият, театр ва кино муассасалари, мусика ва санъат мактаблари барпо этилди. Мамлакатимизда ижтимоий кўллаб-кувватлашга ва ҳимояга муҳтож фукароларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор каратилмоқда. Энг аввало, булар иктисадиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, шунингдек ижтимоий кўллаб-кувватлашга эҳтиёж сезадиган ва ишга жойлашиша қийинчиликларга дуч келаётган одамлардир. Шунингдек, педагоглар, врачлар бошқа ижтимоий соҳаларнинг ходимлари ва мутахассислари, кам таъминланган ва кўп болали оиласлар, пенсionерлар ҳамда имконияти чекланган қишилар манфаатлари ҳимоя килинмоқда. Булардан маълум бўладики, мамлакатимизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган ишларнинг асосида инсонпарварлик тамоиллари устувор аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошчилигида чорак аср давомида барпо этилган мустаҳкам давлатчилик пойdevori асосида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлитигида давлатимизни янада баркарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлако янгича стратегик ёндашув ва тамоиллар ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Харакатлар стратегиясининг 2018 йил бўйича давлат дастури доирасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллашириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг мухим йўналишларни амалга ошириш мақсад қилиб белгиланган. Унга

кўра, Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, Конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, Иктисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, Ижтимоий соҳани ривожлантириш, Ҳафғиззлик, диний багрикенглик ва милллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар ишлаб чиқилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг, 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича мамлакатимиз худудлари ва тармокларда қатор ишлар амалга оширилиб, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича тегишли чоратадбирлар белгиланди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ахолини ишсизликдан ижтимоий ҳимоя қилишга кенг ёндашув ҳам иктисодий, ҳам ижтимоий соҳада узоқ муддатли натижалар беришга йўналтирилгандир. Чунки фаол ва ижтимоий йўналтирилган бандлик сиёсатини ишлаб чиқиш давлат макроиктисодий сиёсатининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Мамлакатимиз меҳнат салоҳиятидан фойдаланишини макбуллашгириш бўйича тадбирлар мажмуасидан иборат бўлган бу сиёсат меҳнат бозорининг шундай миндорний ва сифат кўрсаткичларини шакллантиришга қаратилган бўлиши керакки, улар ҳам иктиносидёт, ҳам бозорнинг асосий субъектлари манфаатларига жавоб бериши керак.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги ислоҳотларда адолатли барқарор муносабатлар шакллантириб борилмокда. Конун устиворлигини таъминлашга интилаётган жамиятда ҳар қандай муносабатлар адолат тамоилларига асосланиши лозим. Шу боисдан ҳам Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 700 даи ортиқ норматив-хукукий хужжатлар қабул қилинди. Мазкур меъёрий-хукукий хужжатлар ижтимоий соҳани ривожлантириш учун аввало ахоли фаровонлигини ошириш, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, таълим тизими, давлатнинг кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини кучайтириш, замонавий уй-жойлар барпо

этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилишда муҳим ахамият қасб этмоқда.

Ижтимоий соҳа обьектларини барпо этиш ва таъмирлаш, ўз вактида фойдаланишига топширишга оид муаммоларни ўз вақтида молиялаштириш, соҳа ривожини таъминлаш мақсадида манзили рўйхатларни тақдим этиш долзарб ҳисобланади. Айниска, мамлакатимизда аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичмабосқич ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғликни саклаш тизимини такомиллаштириш, арzon уй-жойлар қуриш бўйича максадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаст шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни кўриш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Мамлакатимиз истиқболини янада юксалтириш утун, табиийки, кеча ва бугуннинг тажрибаларига суюниш, яъни эришилган ютукларни янада кўпайтириш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш керак бўлади.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш учун айнан нималарни амалга ошириш аниқ-тиник қилиб белгилаб олиниши муҳимдир. Арzon уй-жойлар барпо этиш мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишларнинг инсонпарварлигини кўрсатиб турибди. Уй-жойлар арzon нархларда қурилса, уни согиб олувчилар сони кўпаяди. Энг муҳими, биринчи галда аҳолининг уй-жойга ўта муҳтоҷ катламининг манфаатлари чуқур ўйланган ҳолда йўлга қўйилади. Бугунги кунда мамлакатимиз барча минтақаларида икки сотихли намунали қишлоқ уйларини, шунингдек, икки-уч хонали кўп қаватли уйларни қуриш жадал давом эттирилмоқда. Бу борада, айниска, имтиёзли кредитлар жорий этилганлиги эътиборга молиқдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз пойтахти улкан уй-жой қурилиши майдонига айланди. Хусусан, Сергели тумани худудида катта суръатлар билан бунёд этилаётган ҳар тарфлама шинам, замонавий қулайликларга эга арzon кўп қаватли уйлар битказилганлиги дикқатга сазовор. Шунингдек, шу вақтгача муаммоли масалалардан ҳисобланган

йўл-транспорт, мухандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация килиш бўйича мақсадли дастурларни амалга оширилиши ҳам эътиборга молик. Сергели туманини шаҳарнинг асосий қисми билан боғлашга хизмат килиши мўлжалланган ер усти метросининг жадаллик билан курилаётгани ҳам фуқароларимизга катта қулайликлар яратади, албатта. Шунингдек, бу ҳудудни бир томони шаҳар катта айланма йўлига боғлайдиган, иккинчи томони эса Бектемир тарафга йўналган янги магистраль йўлга уладиган йўл курилиши ҳам давом этирилмоқда. Тошкент шаҳрининг аксарият йўл ва кўчаларига янгидан асфальт ётқизилаётганлиги ҳам эътиборга молик. 2017 - 2020 йилларда шаҳарларда энергия жиҳатдан самарадор арzon кўп квартирали уйларни куриш ва реконструкция килиш дастури доирасида 50 минг 286 та хонадондан иборат 1 минг 136 та кўп қаватли уйлар, бундан ташқари, намунавий лойиҳа асосида кишлок жойларида 75 минг турар жойларни куриш мўлжалланган.

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ҳаётини ривожлантиришда юксак интеллектуал салоҳият соҳиблари бўлган бунёдкор ёшларнинг фаолиятига ҳам алоҳида эътибор каратилаётганлиги дикқатга сазовордир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017 йилнинг 30 июнь куни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари давлатнинг ёшлар сиёсатини чуқур таҳлил этиб, бу борада янгича ишлаш принципларини қайд этди. Шунинг билан бир қаторда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини Ёшлар иттифоқига айлантирилганлиги эътиборга молик. 30 июнь Ёшлар куни сифатида байрам қилинадиган бўлганлиги ҳам бу қатламга алоҳида эътибор берилаётганлигини билдиради.

Хуллас, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий таъминот, аҳолининг саломатлиги ва соғликни сақлаш тизими, кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди. Шунингдек, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ислоҳатларни “ижтимоий ларзаларсиз” якунлаш бевосита

ижтимоий соҳага жиддий ёндашишни талаб этди. Чунки, ижтимоий йўналтирилган бозор иктиносидиёти бозор механизмининг самарали ишилашини, аҳоли турмуш даражасининг юкори бўлишини ва кучли ижтимоий кафолатларни назарда тутади. Ижтимоий соҳа хозирги замон тараққиётининг ҳолати, ижтимоий соҳаларга интеллектуал-молиявий ресурсларни жалб этиш хусусиятлари, шу соҳаларни оқилона режалаштириш услублари ва шакллари, ижтимоий соҳа ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ислоҳатларининг чуқурлашуви шароитида янада чуқуррок ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланмоқда.

Иккинчидан, ижтимоий йўналтирилган бозор иктиносидиёти, энг аввало, инсон манфаатларини кузлайди. Бутун ислоҳотлар жараёнида республикамизда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-куватлаш, инсон ҳукуклари ва эркинликларининг қонунчилик, ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва амалга ошириш масалаларига жуда катта аҳамият берилади.

Учинчидан, мамлакатимизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифаси бошланған ислоҳотларни изчил давом эттириш – меҳнатга ҳак тўлашини янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма обьектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришдан иборатdir. Айни шу маънода, ижтимоий соҳани тубдан ислоҳ қилиш, уни ҳалқаро андозаларга мувоғиқ келадиган тарзда ривожлантириш бу соҳага кўшимча маблаглар, харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлмоқда.

П БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ СОҲА ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Ижтимоий соҳа механизми, унда миллӣй ва ҳалқаро тажрибанинг ўрни

Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш, борасидаги мухим ислоҳотларни амалга оширишда унинг амал қилиш механизмини ҳаракатга келтириш мухимдир. Табиийки, бунда маълум бир меъёрий-хукуқий асослар мавжуд бўлиб, уларни ўз навбатида икки манбага ажратиш мумкин:

- 1) Ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган нормалар (Конвенциялар, Декларациялар, Резолюциялар ва б.);
- 2) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилик тизимида ўз аксини топган ҳамда давлатнинг ваколатли органлари ва вакиллари (Президент, Парламент, Вазирлар Маҳкамаси) томонидан қабул килинган қонунчилик ҳужжатлари (қонуналар, фармонлар, қарорлар, фармойишлар).

Биринчи манба ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида Ўзбекистон аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ҳалқаро Мехнат Ташкилоти ва Европа Иттифоқи каби ҳалқаро мавқега эга бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга кўйғанлигини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, кўплаб ҳалқаро ташкилотларнинг тенг хукуқли аъзоси сифатида фаолият юритмоқда. Давлатимиз кўплаб ҳалқаро мақомга эга бўлган ҳужжатларни имзолаган ҳолда, уларнинг жамиятимизда қонуний кучга эга бўлишини таъминлади. Мазкур жараён, албатта, ижтимоий соҳа ички меҳанизмини янада муқаммаллаштириш ва бу борадагиизчил ислоҳотлар билан боғлиқдир.

Ўзбекистон БМТнинг ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги ҳалқаро мақомга эга бўлган кўплаб ҳалқаро ҳужжатларини тасдиқлади. 1986 йил 4 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 41/128 резолюциясига кўра Ривожланиш хукуқи тўғрисида Декларацияни қабул қилиб, унда “ривожланиш ҳар томонлама иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий жараён ҳисобланиб, у аҳолининг фаровонлигини

муттасил равиша ошириб бориши ва унинг аъзолари тенг ҳуқукли фаол равиша иштирок этиши, яратилган бойликларни адолатли тақсимланишини таъминлашга йўналтириши лозимдир” дейилган. Декларациянинг 8 – моддасида белгиланганидек, “бу жараёнда давлат миллий даражада ривожланиш ҳуқуки учун барча зарурий чоратадбирларни қўллаши ва шарт-шароитларни таъминлаши, хусусан, асосий ресурслар, таълим, соғлиқни саклаш, овқатланиш, туарар-жой, бандлик ва бойликларни адолатли тақсимланиши кабиларда барча учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаши лозим”¹.

БМТ нинг 2000 йил сентябрдаги Саммитида қабул килгинган “Минг йиллик ривожланиши Декларацияси”си ҳам жамиятни ижтимоий ривожлантириш ва инсон тараккиёти масаласида муҳим ҳалқаро ҳужжат ҳисобланади. Бу декларация камровига кирувчи Минг йиллик ривожланиши мақсадлари (MRM) да жамият ва инсоннинг ривожланиши борасида қўлга киритилаётган дунёвий ютуқларни ўлчаш ва мониторинг қилиш бўйича комплекс тадбирларни ўтказиш таклиф этилган².

Инсон ривожланиши концепцияси ва унинг ҳуқуклари бир-бирини тўлдириб турувчи жихатлар ҳисобланади. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам турли восита ва механизмлар қўлланилсада, бироқ ятона стратегик мақсад - кишиларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга йўналтирилгандир. Шу маънода инсон ҳуқуклари борасидаги ҳалқаро битимлар тизимида 1948 йилда қабул килинган *Инсон ҳуқуqlari умумжашон Декларацияси* асосий ўринни эгаллайди. Инсон ривожланиши принципи Декларациянинг 25 – моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга қўра, ҳар бир инсонга озик-овқат, кийим-кечак, туарар жой, тиббий ёрдам ва зарурий социал хизматни қамраб олувчи ҳаёт даражасини таъминланиши, бу эса ҳар бир инсон ва унинг оиласининг фаровонлигини ва соғлигини таъминлаши лозим”.

1966 йилда қабул килинган *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуqlar түғрисидаги ҳалқаро Пакт*³ ҳам инсон ҳуқуклари ва унинг ривожланиши учун маълум бир ҳуқукий асосни яратади. Инсоннинг

¹ Узбекистон присоединился к Декларации постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 30 августа 1997 года №504-I // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 1997. - № 9. – С. 260.

² В Узбекистане доклад по Целям развития тысячелетия был впервые опубликован в 2006 году www.undp.uz

³ Узбекистан ратифицировал Пакт постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 31.08.1995 г. № 126-I // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 1995. - № 9. – С. 201.

етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой ва муттасил яхшиланиб борувчи шарт-шароитларни ўзида мужассамлаштирган ҳаёт даражасига эга бўлиш хукуки Пактнинг 11 – молдасида ўз аксини топган.

Аёлларга нисбатан камситишнинг барча қўринишишларини бартараф этиши тўғрисидаги ҳалқаро Конвенция¹ иштирокчи-давлатларнинг ҳар бирини аёлларга нисбатан камситишларни бартараф этган ҳолда, уларнинг таълим, согликни сақлаш, бандлик, ижтимоий ва иктиносидий ҳаётнинг бошқа соҳаларида эркаклар билан тенг хукуқлилигини таъминлаб беринши маъсул килади. 2006 йилда қабул қилинган Ногиронларнинг ҳукуқлари тўғрисидаги Конвенция ва Факультатив протокол аҳолининг ёрдамга муҳтоҷ ва алоҳида эътибор талаб этувчи тоифасига кирувчи кишилар - ногиронларга бўлган муносабатларни ўзгартиришни назарда тутади.

Жамиятнинг ижтимоий соҳасини ривожлантириш ва инсон тараққиёти борасида қабул қилинган ҳужжатлар орасида Ҳалқаро Мехнат ташкилотининг (ХМТ) ҳужжатлари ҳам муҳим ўринни згаллади. *Бандлик ва меҳнат қилиш соҳасидаги камситилишларга оид Конвенция (1958 йил)² аъзо – давлатлардан меҳнат ва бандликни таъминлашда тенг имкониятларни яратиш, бу жараёнда ирки, танасининг ранги, жинси, дини, сиёсий қарашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши билан боялиқ барча камситилишларни бартараф этиш буйича миллий социал сиёсатни амалга оширишини талаб этади.*

ХМТ нинг 1951 йилдаги 100-Конвенцияси³ ўзида эркак ва аёлларнинг меҳнатига тенг қийматда ҳақ тўлаш масаласини акс эттириб, барча аъзо – давлатлардан ижтимоий соҳанинг меҳнат муносабатлари жараённида эркак ва аёлларнинг меҳнатига ҳақ тўланишида тенглик тамойилини жорий этишини мажбурий қилиб қўяди. Шунингдек, ушбу ташкилотнинг 2000 йилдаги 183-Конвенцияси оналикни химоя қилишга қаратилган бўлиб, барча

¹ Узбекистан ратифицировал Конвенцию постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 06.05.1995 г. № 87-I // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан - 1995 г. - № 6.

² Узбекистан ратифицировал Конвенцию постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 30.08.1997 г. № 499-I // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. - 1997. - № 9. - С. 255.

³ Узбекистан ратифицировал Конвенцию постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 30.08.1997 г. № 493-I // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. - 1997. - № 9. - С.249.

аёлларнинг меҳнат қилиш жараёнида тенг ҳуқуқлилиги, оналик ва болалик, соглиқни саклаш ва хавфсизликни таъминлашни кўзда тутади.

Ўзбекистон БМТ нинг юқорида номлари келтирилган хужжатларини имзолаган бўлиб, уларда белгиланган социал соҳа ва инсон тараққиётига онд фундаментал индикаторлари мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, хусусан, ижтимоий соҳага онд қисмида ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикасининг Европа иттифоки билан ҳамкорлиги чуқурлашибориши натижасида икки томонлама кенг қамровли алоқалар йўлга қўйилди. Европа Иттифоки ва Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ўз навбатида жамиятимизнинг ижтимоий соҳасини ривожлантиришга ҳам йўналтиришгандир. 1996 йилда Ўзбекистон ва Европа иттифоки ўртасида Ҳамкорлик ва шернлик тўғрисида битим имзоланиб, 1999 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан ратификация қилингач, мазкур битим кучга кирди. Бу битим ўз моҳиятига кўра, 1975 йилда қабул қилинган Хельсинки Акти ва 1990 йилда қабул қилинган Париж Хартиясини ҳам қамраб олади.

Мазкур битим 102 моддадан иборат бўлиб, унда ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари, жумладан, аҳолини социал ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш, соглиқни саклаш ва таълим каби муҳим жиҳатларни камраб олади. Битимнинг 60 – моддаси бевосита ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик масаласига бағишлилангандир.

Демак, бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган янги мазмундаги ижтимоий соҳани ривожлантириши механизмлари аввало, ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган нормаларга таянади. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида табиий равишда бу нормаларга таянади. Шу маънода биз ўз тадқиқотларимизда ушбу омилга устивор аҳамият қаратамиз.

Ижтимоий соҳа механизмини шаклантиришдаги *иккинчи омил* бу давлатимизнинг қонунчилигига такомиллаштирилаётган нормалар ҳисобланади. Бизга маълумки, Собиқ Иттифоқ даврида давлатимизнинг ижтимоий соҳаси ягона социалистик механизминг таркибий қисми сифатида мавжуд бўлган. Бу даврда ижтимоий соҳада олиб борилган давлат сиёсати ўз моҳиятига кўра, коммунистик мағкурага асосланган

бўлиб, ижтимоий субъектларнинг социал эҳтиёжлари ва манфаатлари инобатга олинмасдан маълум бир муддатга режалаштирилган (беш йиллик ва ўн йиллик режалаштириш сиёсати) холда амалга оширилган. Ижтимоий соҳа механизмига оид қонунчилик тизими ва меъёрий-хукукий нормалар, ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар у ёқда турсин, балки туб жой аҳолисининг мавжуд социал муаммолари, жумладан, аҳолининг турар жой, соглиқни саклаш ва таълим каби ҳайтий муаммоларини ҳал қилишини ҳам қамраб олмаган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошчилигида жамиятни тубдан янгилашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар бошланди. Албатта, бу жараёнда энг аввало, узок йиллар давомида аҳолини кийнаб келган муаммоларни ҳал этишга қаратилган қонунчилик тизими асосида ижтимоий соҳа механизмини шакллантириш талаб этилар эди. Шу сабабли, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, оғир иктисадий-ижтимоий мерос бўлиб қолган жиддий ижтимоий муаммоларни ҳал этиш талаб этиларди.

Ижтимоий соҳа шаклланишида миллий қонунчиликнинг аҳамиятини таъкидлаб, Ислом Каримов “Кишиларнинг ижтимоий кафолатларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб кўядиган аник-равшан қонунлар ва янги норматив ҳужжатлар кабул қилиш керак”¹-деб кўрсатган эди. Дарҳақиқат, давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган, аҳолини ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоялашга йўналтирилган механизми, энг аввало унинг қонуний асосларини яратишга асосий зътибор қаратилди.

Табиийки, ўтган йилларда аҳолининг бандлиги, иш билан таъминлаш, соглиқни саклаш, таълим олиш ва саводхонлик даражаси, етарли даражада ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя соҳаларига оид кўплаб қонунлар кабул қилиди.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг дастлабки меъёрий-хукукий асоси бу – Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Конституциямизнинг IX-бобида ёритиб ўтилган молдаларда бевосита кишиларнинг ижтимоий-иктисодий хукуклари ўз аксини топган. Жумладан, 37-моддага кўра: “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иктисад, сиёсат, мифкура. - Т.: Ўзбекистон 1996. – Б. 107.

танлаш, адолатли мөхнат шароитларида ишлаш ва қонунда күрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳукуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда күрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий мөхнат тақиқланади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролар ижтимоий ҳукукларининг бошқа муҳим жиҳатлари ҳам акс этган:

39-моддада “Ҳар ким қариганда, мөхнат лаёқатини йўқотгандা, шунингдек бокувчисидан маҳрум бўлғандан ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳукуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас” деб белгиланган.

40-моддада “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдашаниш ҳукуқига эга” деган норма ўз аксини топган.

41-моддада “Ҳар ким билим олиш ҳукуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” деб белгилаб қўйилган.

Ижтимоий соҳада аҳолининг мөхнат қилиши ва иш билан таъминланганилиги, бандлиги каби жиҳатларига катта эътибор қаратилади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Фуқороларининг жамғаривори бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини соглиқни сақлаш”, “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунларини келтириб ўтиш мумкин.

Айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида меъёрий-ҳукукий асос шаклланди. Мамлактимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз ижтимоий мазмун ва моҳияти билан ажралиб туришини эътиборга оладиган бўлсак, ислоҳотларнинг социал вектори янада ойдинлашди. Бу вектор аввал бошданоқ алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Аммо шу билан бир қаторда ижтимоий соҳада кўплаб ўз ечимини топмаётган муаммолар тўпланиб қолганлиги ҳам ҳақиқатдир. Жумладан, иш ўринларининг стишмаслиги, ишсизлик соҳанинг

МУНДАРИЖА

СҮЗБОШИ.....3

БИРИНЧИ БҮЛІМ ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ: МОХИЯТ, РЕАЛЛИК ВА ДИНАМИКА

I БОБ. Жамият ижтимоий соҳасининг методология таҳлили

1.1. Жамият ижтимоий соҳасининг назарий ва концептуал асослари.....	5
1.2. Ижтимоий соҳа трансформациясининг замонавий тенденциялари.....	23

II БОБ. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ўзгаришларининг хусусиятлари ва йўналишлари

2.1. Ижтимоий соҳа механизми, унда миллий ва халкаро тажрибанинг ўрни.....	30
2.2. Аҳоли таркибидаги ўзгаришлари динамикасининг социал жараёнларга таъсири.....	46

III БОБ. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириши механизми

3.1. Аҳоли турмуш даражасини ошириш муаммолари.....	51
3.2. Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқ ҳаётининг уйғунлашуви ижтимоий динамика кўрсаткичи сифатида.....	58
3.3. Жамият ижтимоий соҳасини ривожлантиришда давлат дастурларининг ўрни.....	68

ИККИНЧИ БҮЛІМ ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИГА СТРАТИФИКАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

IV БОБ: Замонавий жамиятлардаги стратификация жараёнларига онд назарий қарашлар

4.1. Стратификация жараёнларининг социал генезиси.....	72
4.2. Ижтимоий стратификация тизимлари ва динамикасининг социологик таҳлили.....	85

V БОБ: Жамиятда социал қатламлар динамикаси: аниқлаш ва оптималлаштириш муаммолари

5.1. Жамиятда стратификация жараёнларининг ижтимоий ҳолатини аниқлаш омиллари.....	96
5.2. Стратификация жараёнлари мониторинги ва оптималлаштиришнинг замонавий услублари.....	107

VI БОБ. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида стратификация жараёнларини тартиблаш: тажриба ва истиқбол

6.1. Бозор муносабатлари шароитида жамият ижтимоий ҳаётидаги социал ўзгарувчанлик.....	120
--	-----

6.2. Турли ижтимоий табақаларнинг жамият ҳәётидаги ўрни ва мавкеини оптималлаштириш.....	132
6.3. Ўзбекистонда стратификация жараёнлари мониторинги	144

УЧИЛЧИ БҮЛИМ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАВҚЕИННИГ ЙОКСАЛИШИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

VII БОБ. Хотин-қизлар ижтимоийлашуви: методология масалалари

7.1. Хотин-қизлар ижтимоийлашуви ва фаоллигига оид жамоатчилик фикри эволюцияси.....	161
7.2. Хотин-қизлар сиёсий ижтимоийлашуви ва ҳуқукий фаоллигининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳәётидаги ўрни.....	173

VIII БОБ. Жамият ижтимоий ҳәётида хотин-қизлар ўринининг

жамоатчилик фикрида акс этиши тенденциялари

8.1. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва жамоатчилик фикри: узаро алоқадорлик.....	185
8.2. Халқаро тажрибада хотин-қизлар ижтимоий киёфасини акс эттирувчи демократик қадриялар.....	200

IX БОБ. Хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳәётидаги мавқеини ошириш истиқболлари

9.1. Замонавий ижтимоий фаол аёл имижи.....	215
9.2. Аёлларнинг жамият ҳәётидаги фаоллиги истиқболлари: воқелик ва прогнозлаштириш.....	225

ХУЛОСА.....

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....

МУНДАРИЖА.....

**Абдуғани ҲОЛБЕКОВ, Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ,
Бобир БЕРДИЕВ, Махсуда ЭРГАШЕВА**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ ХАЁТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ МОНОГРАФИЯ

Муҳаррир С.Абдунабиева

“KALEON PRESS”

**Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани
Сайрам кўчаси, 41-уй**

Босишга рухсат этилди 28.12.2021 й. Бичими 6 0x84 ¹/₁₆.
Босма табоги 15,75. Шартли босма табоги 15,75. Адади 100 нусха.
Буюртма № 70. Баҳоси келишилган нархда.

**Ўзбекистон Миллий университети босмахонасида босилди.
Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ.**

